

АТОҚЛИ АДИБ ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Феруза ҚУРБОНОВА,

“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва
агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси

Маълумки, адабиётшунос, журналист ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммад мамлакатимизнинг иқтидорли ёзувчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон таъбири билан айтганда, *“Сўнгги йилларда пайдо бўлган кўплаб эътиборга тушган асарлар, ўзбек адабиётида ҳам ёзувчилик матонати ва масъулиятини англаган адиблар мавжуддир, деган гапга асос бўла олади. Бу адиблар, менинг назаримда, Абдулла Қодирий ва Чўлпон жасоратининг давомчилари бўлиб кўзга ташланмоқда. Мана шундай ижодкорларнинг бири Хуршид Дўстмуҳаммад десак хато қилмаймиз.*

Хуршид Дўстмуҳаммад миллий адабий анъаналарни ҳам, дунё адабиёти тажрибаларини ҳам пухта ўзлаштирган, доимий изланиш, сўз ва фикр қолипни янгилашга интилган ижодкор”.¹

Биринчидан, у қатор асарлари билан юртимизда истеъдодли адиб сифатида танилди. Ёзувчининг дастлабки китоби “Ҳовли этагидаги уй”дир. Шундан сўнг ёзувчининг “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Сўроқ”, “Соф ўзбекча қотиллик”, “Маҳзуна”, “Ибн Муғанний”, “Ёлғизим – Сиз”, “Кўз қорачиғидаги уй”, “Жажман”, “Ҳижроним мингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўпламлари ҳамда “Бозор” романи нашр этилган.² *“Беозор қушининг қарғиши” (Тошкент, Шарқ, 2006) номли китобига жамланган ҳикоялар, адибнинг ўзи бир суҳбатида таъкидлаганидек, яхшилик ва ёмонлик, меҳру оқибат ва разолат, инсонийлик ва гайриодамийлик орасида курашиб, гоҳ мағлуб, гоҳ голиб бўлаётган одамлар тақдири, бир қисм одамлар яхшилик*

¹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xurshid-dostmuhammad-uz/>

қилаётган, яратаётган, бунёд этаётган, яна бир қисм одамлар бузаётган, вайрон қилаётган дунё ҳақида ҳикоя қилади. Мухтасар айтсак, бу китобдаги асосий ҳикоялар оддий одамнинг мураккаб ҳаёти, оддий воқеаларда инсон тақдирини ҳал қиладиган таъсирлар яширингани, гувуллаб оқайтган дарё юзасида қалқиб-қалқиб оқайтган гуллар ва хазонларнинг бир пайтлар оламга атир сочгани, кунни кечагина яшилланиб баҳор ёмғирларида чўмилгани ҳақидаги хотираларни бизга нақл этади...

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларининг – бошқа ўзбек адаблари ижодида жуда кам учрайдиган – яна бир фазилати уларнинг аксариятида ўзбек ва жаҳон шеърляти оҳангларининг намоён бўлишида деб биламиз. Бу айниқса, “Оқимга қарши оққан гул”, “Қоялардан баландда”, “Қор одам” каби ҳикояларда ёрқин намоён бўлади...

Ёзувчи айрим ҳикояларида воқеа ёки қаҳрамони ҳақида ҳамма гапни “чайнаб” бермайди, “қиссадан ҳисса” чиқармайди, китобхонга ҳам иш қолдирмайди”.³

Адибнинг дастлабки ҳикояси 1981 йили “Гулистон” журналида, “Нигоҳ” номли биринчи қиссаси эса 1987 йили “Ёшлик” журналида эълон қилинган. Хуршид Дўстмуҳаммад “Бозор” романи, “Ҳижроним мингдир менинг” ва “Озод изтироб қувончлари” китоблари учун 2000 йилги “Офарин” мукофотига сазовор бўлган. Ёзувчининг “Жимжитхонага йўл”, “Нусхакашнинг меросхўри”, “Беозор қушнинг қарғиши” ва “Жим ўтирган одам” ҳикоялари кейинги давр ижодига янги саҳифа очди.⁴

Чунончи, Хуршид Дўстмуҳаммад катагон қурбонларидан бирининг фожиали тақдирига бағишланган “Ҳамид Аъламовнинг айтолмаган гаплари” хотира – эссеси, “Журналист бўлмоқчимиз?” рисоласи ва “Чаёнгул” киносценарийси муаллифи ҳамдир.⁵

Иккинчидан, у адабиётшунос сифатида ҳам қатор мақолалари билан

³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

⁴ <https://arboblar.uz/uzkr/people/khurshid-dustmukhammad>

⁵ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xurshid-dostmuhammad-uz/>

эътиборга тушган, филология фанлари докторидир. Бугун кунда унинг чуқур адабий-танқидий мақолалари тадқиқотчилар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Учинчидан, моҳир таржимон Хуршид Дўстмуҳаммад япон адиби Акутагава Рюноскенинг “Расёмон дарвозаси” ҳикоясини ҳамда Темур Пўлатовнинг “Етти хузур-ҳаловат ва қирқ қайғу-аълам” романини ўзбекчалаштирган.⁶

Тўртинчидан, Хуршид Дўстмуҳаммад талантли журналист ҳамдир. У “Ёш куч” журнали бош муҳаррири сифатида (1994-1995) даврнинг долзарб мавзуларини белгилаш ҳамда муаммоларни жамоатчилик ҳукмига олиб чиқишга астойдил интилган. У мамлакатимизнинг ягона мустақил нашри – “Хуррият” газетасида муҳаррир бўлган даврда ҳам жамиятда содир бўлган ўзгаришлар, муаммолар ва тўсиқлар кўтарилиб чиқилгани барчамизга маълум. Ҳалим Сайиднинг ёзишича, “*Ҳайнаҳой унга бош муҳаррирликнинг лозим кўрилиши инсон камолоти, давлат ва жамият тараққиётида эволюцион йўлни, маърифат йўлининг танлагани, вазмин фикрлаши билан боғлиқ деган ўй кечади, кишида...*

“Ўзбекистон матбуоти” журнали бош муҳаррирлигида ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад адолат, ўзликни таниш, танитиш борасида маърифат йўлидан қайтмагани нашр тахламларидаги материаллар мазмун-моҳиятида сақланиб турибди...

Сўзимиз биров чўзилган бўлсада, битта мақолада устоз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таҳририят раҳбари, муҳаррир сифатидаги барча қирраларини очиб мушуқул. Бу борада у билан ҳамнафас ишлаган журналистлар, муаллифлар, қабулига арз билан келганларнинг ҳам ўз фикрлари бор. Унинг муҳаррирлик фаолиятини фундаментал илм чизиригидан ўтказадиган тадқиқотчининг ҳам ўз қарашлари бўлиши мумкин. Демак, масаланинг илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш

⁶ <https://arboblar.uz/uzkr/people/khurshid-dustmukhammad>

келгуси муҳаррирлару сиёсатдонлар, керак бўлса, соҳа тараққиёти учун фойдали ишлар сирасига киради”.⁷

Хуршид Дўстмуҳаммад кўп қиррали сўз санъаткоридир. Энг муҳими у адабиётда ўз услуби ва мактабини яратган адиб. Абусаид Кўчимовнинг ёзишича, “Мен “Хуршидака”, Лутфулла “Хуршид Набиевич” дейди: шундай демасак, нимадир етишмагандай, ҳурматли муаллимимизнинг отини айтиб номаъқулчилик қилгандай ноқулай аҳволга тушамиз. Ҳатто, оқсоқолимиз Жаббор Раззоқ ҳам алоҳида илтифот ичра, “Хуршид домла” дейдилар. Ака дейсизми, домлами, Набиевичми – ҳаммаси ярашади, у кишига: фан доктори, профессор, ёзувчи, жамоат арбоби, депутат, ҳожжи ака...

У адабиётга ҳам сокин момақалдироқ сингари шошмай, ҳовлиқмай, газеталарда, журналларда ишлаб, пишиб, қаламини чархлаб, ана ундан кейин салмоқли қадамлар билан бир-бир босиб, катта ихлос қарвонида кириб келди. Узоқ йиллар “Қишлоқ ҳаёти” газетасида, “Фан” нашриётида, “Ўзбекистон матбуоти” журналида, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида фаолият кўрсатди. Ҳаётнинг чигал, мураккаб ва айни чоғда мунаввар жилваларини, кўз илғамас тўлқинларини кўрди, оғриқли, беҳаловат, жонсарақ воқеа-ҳодисаларни ўрганди, таҳлил қилди, фикрлади. Журналистик фаолиятида, хусусан, “Фан ва турмуш” билан “Ёш куч” жуда катта мактаб бўлгани ва “бу журналларда ўтган кунларимдан бир умр миннатдорман”, деган иқрорларини кўп эшитганмиз. Адибнинг биринчи ҳикояси ўттиз ёшга кирганида “Гулистон” журналида, биринчи қиссаси ўттиз олти ёшида “Ёшлик” журналида эълон қилинди, биринчи китоби эса бир кам қирқ ёшида нашр этилган”.⁸

Фахр билан айтаемиз: Хуршид Дўстмуҳаммад бугун ўзбек адабиётининг ардоқли адиблари қаторидан мустаҳкам жой олди. Ҳар қанча ўрганса, таҳлил қилса арзигулик маънавий обидалар яратди. Бу кўркам ижодни баҳолаш

⁷ <https://uzhurriyat.uz/2021/01/06/uzligiga-qarshi-bormagan-shaxs/>

⁸ <https://perepost.uz/uz/news/45360>

бошқаларнинг вазифаси. Афсуски, ҳозирга қадар ҳеч ким бу ишга жиддий киришган эмас.⁹

Хулоса қилиб айтганда, адиб, публицист, адабиётшунос ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин ва салмоқга эга ёзувчидир. *“Янгиланаётган ўзбек адабиётидаги асарлар, Хуршид Дўстмуҳаммад каби бадиий ижодга, ҳаёт ҳақиқатига “ўзгачароқ ёндашиш” йўлидан матонат билан бораётган адибларимизнинг ижоди буни яққол исботлаб турибди”*.¹⁰ Унинг ижодини тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва ўрганиш услубининг ўзига хос хусусиятларини “кашф этиш” имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xurshid-dostmuhammad-uz/>
3. <https://arboblar.uz/uzkr/people/khurshid-dustmukhammad>
4. <https://uzhurriyat.uz/2021/01/06/uzligiga-qarshi-bormagan-shaxs/>
5. <https://perepost.uz/uz/news/45360>
6. Мўминова Т. Хуршид Дўстмуҳаммад ижодий индивидуаллигининг бир қирраси ҳақида// “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона. ФарДУ, 2022.- Б.151-152.
7. Асадов М. Альбер Камю ва Хуршид Дўстмуҳаммад прозасида абсурд қаҳрамон муаммоси/ “Сўз санъати сўзлиги”, 3 жилд, 2-сон. Тошкент. 2020йил.-Б.117-126.
8. <https://khurshid-dostmuhammad.asarlari.com>
9. <https://uza.uz/posts/hurshid-dostmuhammad>

⁹ <https://perepost.uz/uz/news/45360>

¹⁰ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

